

БИР ГУРУХ ШАХСЛАР БЕЗОРИЛИГИ ВА ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15588392>

Қабулов Алиакбаржон Акмалжон Ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Аннотация

Мазкур мақолада безорилик ва оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий хусусиятлари, уларнинг содир этилиш шакллари ва ижтимоий хавфлилик даражаси таҳлил қилинади. Хусусан, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган безорилик ҳаракатлари ва оммавий тартибсизликларнинг жиноий-ҳуқуқий белгиларини аниқлаш, улар ўртасидаги чегара ва фарқлаш мезонлари ёритилади. Шунингдек, ушбу жиноятларни тўғри квалификация қилиш муаммолари, амалиётда учраётган зиддиятли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар

тбезорилик, оммавий тартибсизлик, жиноятларнинг квалификацияси, бир гуруҳ шахслар, ижтимоий хавф, жиноий-ҳуқуқий белги, ҳуқуқий таҳлил.

Аннотация

В статье рассматриваются правовые особенности преступлений, связанных с хулиганством и массовыми беспорядками, формы их совершения и степень общественной опасности. Особое внимание уделено характеристике хулиганских действий, совершаемых группой лиц, и массовым беспорядкам, их юридическим признакам, а также критериям разграничения между ними. Анализируются проблемы правильной квалификации данных преступлений, противоречия, возникающие в правоприменительной практике, и предлагаются рекомендации по их устранению.

Ключевые слова

хулиганство, массовые беспорядки, квалификация преступлений, группа лиц, общественная опасность, юридические признаки, правовой анализ.

Abstract

This article analyzes the legal characteristics of crimes related to hooliganism and mass riots, their methods of commission, and the level of social danger they pose. Special attention is given to identifying the criminal-legal features of group hooligan acts and mass disorders, as well as criteria for differentiating between them. The article examines the issues of proper qualification of these crimes, highlights contradictions in law enforcement practice, and provides recommendations for their resolution.

Keywords

hooliganism, mass riots, crime qualification, group of persons, social danger, legal features, legal analysis.

Дунёда жамоат тартибига, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноятларга қарши курашиш глобал аҳамият касб этмоқда, чунки мисол учун безорилик умумий жиноятчиликнинг 22% ни ташкил қилиб, ҳар йили 9% га ошиб бормоқда¹⁴. Ўз навбатида, 2022 йил якунлари бўйича БМТнинг Global Study on Children Deprived of Liberty маърузасида келтирилган статистикага кўра, безорилик мотиви билан содир этилган жиноятлар 37% ни ташкил қилган. Шу билан бирга, дунёда сўнгги йилларда жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи оммавий тартибсизликлар жиноятлари ғоявий ва идеологик жиҳатдан трансмиллий ва трансчегаравий хусусият касб этиб, шу боис уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси кескин ошиб бормоқда. Хусусан, биргина 2022 йилда Европа ва Шимолий Америкада 21,5 мингдан ортиқ норозилик намоёишлари бўлиб ўтди, уларда 6,3 миллион киши иштирок этди. Бу 4,4 миллион фуқаро кўчага чиққан 2021 йилга нисбатан 43 фоизга кўпдир.¹⁵

Шу боис, безорилик ва оммавий тартибсизликлар бугунги кунда умумбашарий ҳалқаро муаммога айланиб бормоқда. Шу сабабли мазкур жиноятларнинг ўхшашлигини инобатга олган ҳолда, уларга қарши курашишнинг жиноят-ҳукукий ва криминологик усул ва асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда ҳамда уларни янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда безорилик ва оммавий тартибсизликлар оқибатида содир этилган жиноятларга қаршилиқ кўрсатишнинг жиноят-ҳукукий ва криминологик чоралари; жамоат тартибини ва жамоат хавсизлигини сақлаш

¹⁴ <https://www.statista.com>

¹⁵ <https://www.vedomosti.ru/politics/articles/2023/02/03/961368-protest-na-zapade-nabiraet-oboroti>

тизими, мазмуни ва моҳияти; маъмурий ва жинойт безориликни фарқлаш; оммавий тартибсизликлар, безорилик оқибатида баданга турли даражада шикаст етказишни квалификация қилиш; жамоат тартиби ва жамоат ҳавфсизлигини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш; безорилик ва оммавий тартибсизликлар жиноятларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини илмий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикасида жамоат тартиби ва жамоат ҳавфсизлигини сақлаш, жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, жамоат тартибини ва жамоат ҳавфсизлигини муҳофаза қилувчи нормаларини қўллаш амалиётини яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятини яхшилаш, одиллик, инсонпарварлик тамойилларига риоя этилишини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жинойт жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш»¹⁶ мамлакат жиноят қонунчилигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги, ушбу соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Ҳар қандай мамлакатнинг жиноят қонунчилиги ўзининг тадрижий ривожланиши давомида анча узоқ ислохот йўлини босиб ўтади. Ўзгаришлар ушбу соҳадаги барча тармоқларига тегишли бўлади. Айтиш керакки, тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг айрим турлари учун жавобгарликни белгилаш миллий жиноят қонунчилигида ҳам истисно бўлмаган. Мазкур тадқиқотимизда биз безорилик жиноятларига оид жавобгарликни белгилашда жиноят қонуни ижодкорлиги

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январ кунидаги ПФ-60-сон 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

ривожланишининг тадрижий йўлини имкон қадар очиб беришга уриниб кўрамиз.

Ишончимиз комилки, кўрсатилган жиноятлар учун жавобгарликка оид жиноят қонунчилигини шакллантиришнинг асосий ва муҳим босқичлари, албатта, бутун мамлакатнинг расмий тарихи билан ўзаро узвий боғлиқликда бўлади, чунки бу ҳар икки ҳодиса, яъни давлат ва ҳуқуқ, пайдо бўлганидан бери бир-бирини тўлдириб ва тўғрилаб келади, десак муболаға бўлмайди.

Жиноят қонунчилиги шаклланишининг тарихий жиҳатларини яхшироқ тушуниш ва идрок этиш учун жиноят соҳасини ривожланишини тўлиқ бир бутунлик сифатида кўриб чиқиш керак. Шу нуқтаи назардан, юридик фанда бир нечта қизиқарли даврлаштиришга оид қарашлар мавжуд, бўлиб, биз эътиборимизни тарихий даврлаштиришга қаратамиз.

Жиноят қонунчилигининг даврийлигини яратиш масаласи ўтмиш ва ҳозирда кўплаб тадқиқотчилар томонидан кўриб чиқилган, ушбу муаммога кўплаб самарали ва қизиқарли тадқиқотлар бағишланган. Холбуки, ҳозиргача бу масала илмий доираларда мунозарали бўлиб қолмоқда. Ушбу тадқиқотда биз жиноят ҳуқуқининг ўтмишдаги ва сақланиб қолган ёдгорликларига асосланган ҳолда Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг шаклланиши ва кейинги ривожланишини кўриб чиқиш ва тавсифлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, миллий жиноят қонунчилигини ривожлантиришни қуйидаги бешта асосий босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- 1) исломдан олдинги давр жиноят қонунчилиги;
- 2) ислом даври жиноят қонунчилиги;
- 3) мустамлакачилик давридаги жиноят қонунчилиги;
- 4) Совет давлати даври жиноят қонунчилиги;
- 5) СССР парчаланганидан кейинги мустақил Ўзбекистон Республикаси

жиноят қонунчилиги.

Тақдим этилган даврлаштиришда биз хронологик доирани ўрнатмаймиз, шунингдек, даврлар давомийлиги ҳам мутлақо турлича эканлиги ҳам аниқ. Мисол учун, биринчи ва иккинчи даврлар бир неча асрларни ўз ичига олса, учинчи ва тўртинчиси бир асрдан ошмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи соҳасида жиноят қонун ижодкорлиги даврийлиги ҳақида мавжуд маълумотлар анча тарқоқ. Тақдим этилган даврлаштириш доирасида, биз жиноят қонуни ижодкорлиги тарихида айнан безорилик учун жавобгарликка тўхталамиз.

Шуни айтиш жоизки, ҳар ҳолда, бир нечта ёзма шаклдаги қадимги ҳуқуқ ёдгорликлари бизгача етиб келган. Ушбу ҳуқуқий нормалар ёдгорликлари туфайли биз исломгача бўлган давр жинойт ҳуқуқи ва қонунчилигининг мазмуни ва ривожланишини таҳлил қилиш имкониятига эга бўламиз.

Анъанавий равишда, дунё мамлакатларида содир этилган оммавий тартибсизликлар сони бошқа жинойт тажовузларга нисбатан анча кам. Аммо бу жинойтнинг долзарблиги, уларни содир этиш фактлари алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади, чунки уларда жуда кўп сонли шахслар иштирок этади; уларнинг ҳаракатлари катта миқдорда моддий зарар етказиш, кўп сонли жабрланганлар, жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳоли пунктларида вазиятни беқарорлаштириш, бошқа зўравонлик ва турли жинойтларни содир этиш учун шароит яратиш ва ҳоказолар билан бирга юзага келади. Ҳозирда оммавий тартибсизликлар ҳоллари анча кам сонли, лекин ҳар бир бундай ҳодиса оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда ва аҳолининг кенг қатламлари эътиборини тортмоқда (масалан, яқиндагина рўй берган Қозоғистондаги воқеалар, Нукусдаги чиқишлар).

Ушбу жинойт учун жавобгарлик белгиланиши ва ривожланиши узоқ ва ўзига хос тарихга эга.

Оммавий тартибсизликлар иштирокчилари, онгсизлик ва жаҳолат туфайли жинойт содир этишга жалб қилинган, ушбу моддада назарда тутилган оғир қилмишларни содир этмаганлар жавобгарликка тортилмаган, улар суд қарорига биноан шартли жазога ҳукм қилиниши мумкин эди.

Бундан ташқари, ЖК 84-моддасига мувофиқ, юқорида назарда тутилган жинойт ҳаракатларни содир этишга чақирувчи асарларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш, шунингдек тарқатиш учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилган.

Давлат жинойтлари тўғрисидаги низомда (СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1927 йил 25 февралдаги қарори)¹⁷ оммавий тартибсизликлар ўта хавфли деб тан олинган. Шу билан бирга, «...Низомда оммавий тартибсизликлар содир этишга чақирувчи ташвиқот ва ташвиқот мустақил жинойт сифатида назарда тутилмаган»¹⁸.

П.В. Агаповнинг ёзишича, оммавий тартибсизликлар тўғрисидаги қоида жуда кенг қўлланилган ва бу юқори даражадаги суд органлари томонидан тасдиқланган. Жумладан, СССР Олий суди Пленуми Линч судлари (ҳақиқий

¹⁷ Курс советского уголовного права. Часть Особенная / Отв. ред. проф. Н.А. Беляев, проф. М.Д. Шаргородский. Л.: Издательство Ленинградского государственного университета, 1973. Т. 3. С. 254

¹⁸ Ўша жойда.

ёки хаёлий жиноятчиларга қарши қаратилган ва айрим таъсир чораларини бевосита қўллаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилган ўзбошимчалик билан жаўони қўллаш) оммавий тартибсизликлар сифатида квалификация қилишни тавсия қилди¹⁹.

Ушбу даврда ушбу жиноятни қўллашнинг ўзига хослиги шундаки, катагонни кучайтириш учун ўта хавфли безорилар томонидан қотиллик ёки ҳокимиятга қуролли қаршилик кўрсатиш (зўравонлик, жароҳатлар ва бошқалар) билан боғлиқ бир марталик ҳужумлар содир этилган тақдирда қонун аналогиясидан фойдаланилган²⁰.

Бу ўша даврдаги жиноий сиёсатнинг мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланганга ўхшайди. Умуман олганда, ҳозирги замон талабларига жавоб бериши керак бўлган ушбу жиноят-ҳуқуқий норманинг янги мазмунини доимий равишда излаш жараёнини таъкидлаш керак.

В.С. Прохоров ва И.И. Солодкин шундай деб ёзган эди: "Оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги жиноят қонунчилигининг ривожланиш тарихи ва уни қўллаш амалиёти оммавий тартибсизликлар тушунчаси қамраб олган ҳаракатлар доирасини торайтириш тенденцияси, сиёсий устунлар, қонун-тартиботни мустаҳкамлаш, халқнинг сиёсий ва маданий савиясининг ўсишининг табиий натижаси эканлигини кўрсатади"²¹. Афтидан, бу қонун чиқарувчининг изчил фаолияти натижасида бутунги кунда янада аниқроқ таърифга эга бўлган оммавий тартибсизликлар мазмунини кенг талқин қилишдан бош тортиш билан ҳам изоҳланаётгандек кўринади.

Қайд этиш жоизки, мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ жуда оғир бир давр ҳукм суларди. Бундай вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринган айрим кимсаларнинг ноқонуний қилмишлари натижасида гиёҳвандлик, диний экстремизм, босқинчилик каби оғир жиноят турларининг сони кўпайиб кетди.

Бу ҳақдаги аниқ фактларни эса республикаимиз ҳудудида 1989-2010 йиллар давомида содир этилган террорчилик, кўпуровчилик ҳамда турли оммавий тартибсизликларда кўришимиз мумкин. Мазкур хунрезликларга қарши ички ишлар органлари ходимлари томонидан юксак

¹⁹ Агапов П.В. Проблемы противодействия организованной преступной деятельности / Под науч. ред. докт. юрид. наук, проф. Н.А. Лопашенко. М., 2009. С. 30

²⁰ Агапов П.В. Ўша асарда. С.30.

²¹ Курс советского уголовного права. Часть Особенная / Отв. ред. проф. Н.А. Беляев, проф. М.Д. Шаргородский. Л.: Издательство Ленинградского государственного университета, 1973. Т. 3. С. 254.

даражадаги мардлик ва фидойилик билан кураш олиб борилганлиги натижасида уларнинг аксарияти мардларча ҳалок бўлганлигига гувоҳимиз.

Буни қуйидаги аниқ мисолларда кўришимиз мумкин бўлади:

1989 йил 3-12 июнь кунлари Фарғона вилоятида оммавий тартибсизликлар юзага келиб, унда Марғилон, Тошлок, Қўқон, Фарғона ва Қувасой шаҳарларида ҳамда Фарғона, Охунбобоев ва Ўзбекистон туманларида яшовчи турк-месхетин миллатига мансуб фуқароларга нисбатан қотиллик, уларнинг мол-мулкларига нисбатан талончилик жиноятлари содир этилиб, уй-жойлари ёқиб юборилган²². Деярли 70 мингдан ортиқ фуқаролар катнашган мазкур тартибсизликларнинг ички ишлар идоралари ходимлари томонидан янада ривожланиб кетишининг олди олиниб, кечаю-кундуз олиб борилган амалий ҳаракатлар натижасида мазкур тартибсизликлар тўла бартараф этилишига эришилган;

1990 йил 19-21 февраль кунлари Тошкент вилоятининг Бўка туманида оммавий тартибсизликлар юз бериб, “Октябрьнинг 40 йиллиги” совхоз ва “Қорабоғ” кишлоғида истиқомат қилган турк-месхетинлари билан боғлиқ жанжаллар авж олади²³. Мазкур тартибсизликлар ҳам айнан ички ишлар органларининг фидокорона хизматлари билан тўла бартараф этилиб, 2000га яқин турк месхетинлари хавфли ҳисобланган зонадан Паркент тумани ҳудудига эвакуация қилинади ҳамда “Кумушкон” санаториясига жойлаштирилган.

Шу йилнинг 2-3 март кунлари ҳам бир гуруҳ шахслар турк месхетинларнинг санатория ҳудудидан олиб чиқиб кетилишини талаб қилиб, оммавий тартибсизликларни давом эттиришлари оқибатида 4 нафар шахс, жумладан, 1 нафар милиция ходими ўлдирилади. Ушбу тартибсизликларнинг бартараф этилишида юзлаб ички ишлар органлари ходимлари турли даражадаги тан жароҳатларини олишган;

1991 йил 9 декабр куни Наманган шаҳар ҳудудида жойлашган масжидлар атрофида “вахҳобий” диний экстремистик оқими аъзолари томонидан 1000 га яқин диндорлар ва маҳаллий аҳоли тўпланиб, шаҳар ҳудудидаги катта йўллар тўсиб қўйилади, аҳолига оммавий иш ташлаш уюштиришлари кераклиги даъват этилади, шунингдек, вилоят ҳокимлиги биноси атрофига аҳолини тўшлаб, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг келишини талаб қилишган. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан махсус профилактик-амалий тадбирлар

²² <https://bviib.uz/uz/menu/iib-tarihi>

²³ <https://bviib.uz/uz/menu/iib-tarihi>

зудлик билан олиб борилиб, мазкур жараённинг оммавий тартибсизликларга айланиб кетишининг олди олинади²⁴.

2005 йил 12 май куни Андижон шаҳри марказида 200 га яқин “Акромий” ДЭО тарафдорлари ва уларнинг оила аъзолари тўпланишиб, қабих ишларини беркитиш мақсадида аҳоли орасида сохта маълумотлар тарқатиб, тартибсизликлар келтириб чиқаришга, шунинг натижасида дунё ОАВ орасида шов-шув кўтаришга ҳаракат қилишган²⁵.

Бугунги кунда амал қилаётган 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида оммавий тартибсизликлар таркиби XVII боб “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” сифатида шакллантирилди. Шунинг учун, жамоат хавфсизлиги ушбу тажовузнинг объекти сифатида намоён бўлади. Қўшимча объектга инсон саломатлиги, мулкӣ ҳуқуқлар, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар кириши мумкин.

Айтиш жоизки, "оммавий тартибсизликлар" тушунчаси жиноят-ҳуқуқӣ анъаналарга органик равишда кирган, айнаи чоғда қонунчиликда ушбу жиноят таркибини шакллантиришнинг мураккаблиги ушбу жиноятнинг ҳуқуқӣ табиати муаммолари билан изоҳланади²⁶.

В.С. Комисаровнинг ҳаққонӣ нуктаи назарига кўра, оммавий тартибсизликларнинг ижтимоӣ хавфлилиги юқори даражасини бир қатор далиллар билан асослаш мумкин: биринчидан, назорат қилиш қийин бўлган одамларнинг йирик массаси мавжуд бўлади, иккинчидан, одамларнинг хатти-ҳаракатларининг ўз-ўзидан, тўсатдан юзага келиб, оломон иштирокчилари ҳаракати, оммавий қирғин ва мулкка зарар етказиш, соғлиққа зарар етказиш, кўпинча одамларнинг ўлими, ҳокимият ва бошқарув, транспорт ва бошқа ҳаёт учун зарур бошқа тизимлар фаолиятининг тартибсизлигини келтириб чиқаради; учинчидан, ҳозирги жамиятдаги иқтисодӣ, сиёсий, ижтимоӣ ва психологик беқарорлик шароитида оммавий тартибсизликларнинг кенгайиши салбӣй тенденцияси мавжуд²⁷. Шунини таъкидлаш керакки, оммавий тартибсизликларни ташкил этиш давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига муқобил равишда "оломон"нинг бевосита ҳукмронлигини келтириб чиқаради ва уларнинг содир этилиши беқарор вазиятда янги жиноятларга олиб келади: талончилик, босқинчилик,

²⁴ <https://bviib.uz/uz/menu/iib-tarihi>

²⁵ <https://bviib.uz/uz/menu/iib-tarihi>

²⁶ Экстремизм и другие криминальные явления. М.: Российская криминологическая ассоциация, 2008. С. 225

²⁷ Уголовное право России. Особенная часть: Учебник для вузов / Под ред. д.ю.н., проф. Г.Н. Борзенкова и д.ю.н., проф. В.С. Комисарова. М., 2005. Второй полутом. С. 43 - 44.

қотиллик, номусга тегиш ва бошқа жиддий зўравонлик жиноятларини содир этган "тадбиркор" шахслар бундан фойдаланиб қолишади.

Ҳозирда бу жиноят тушунчаси назариясига оид бир қанча ҳал этилмаган муаммолари мавжуд. Жумладан, биз В.В.Малиновскийнинг куйидаги фикрига қўшиламыз: "Оммавий тартибсизликлар" тушунчаси бугунги кунда жиноят ҳуқуқи назариясида мунозарали бўлиб қолмоқда²⁸, бу жиноятнинг объектив томонини мураккаб тузилиши билан боғлиқ. Бу жиноятнинг тарихий илдишлари билан боғлиқ, зотан оммавий тартибсизликлар дастлаб бошқа мустақил жиноятлар таркибига кирувчи бир қатор қилмишлардан иборат бўлган комплекс жиноят таркиби сифатида шакллантирилган эди, қолаверса бу таркиб универсал бўлиб, маълум бир вақтда бирорта ҳудудда оммавий зўравонлик ҳужумларини содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш имконини берган.

Шу билан бирга, С.Ожегов луғатига кўра, оммавий тартибсизликлар – бу жамиятнинг ҳокимиятга норозилигини билдирувчи нотинч шаклдаги эътирозидир²⁹.

Тарихан тартибсизликлар жиноят суюъектларининг мураккаб жиноий фаолиятининг бир кўриниши бўлиб келган. Жиноят кодексининг 244-моддасига кўра, уларнинг зарурий белгиси — бир қатор шахсларнинг (оммавий) биргаликдаги жиноий фаолияти орқали қонунда билан олдиндан белгилаб қўйилган муайян ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади.

Оммавий тартибсизликлар — бу маълум бир ҳудудда ўрнатилган хатти-ҳаракатлар тартибини кўпол равишда бузадиган кўп сонли одамларнинг келишилган ҳаракатлари. Хулқ-атвор тартиби қонунлар билан, шунингдек, одамлар гавжум жойларда (бозорлар, стадионлар, маданият боғлари ва бошқалар) тегишли равишда тасдиқланган хатти-ҳаракатлар қоидалари ва оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин³⁰.

М.П. Карпушин ёзишича: "Оммавий тартибсизликлар давлат бошқаруви, жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий манфаатлари каби муҳим объектларга тажовуз қилади", айтиш чоғида "оммавий тартибсизликлар юридик ва жисмоний шахслар мулкига ёки уларнинг ўзига ҳужумлар содир этиш, уларни йўқ қилиш ва шикаст етказишда

²⁸ Малиновский В.В. Организационная деятельность в уголовном праве России (виды и характеристика): Монография / Отв. ред. А.И. Чучаев. М.: Проспект, 2009. С. 117

²⁹ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. М.: Азбуковник, 1999. С. 45

³⁰ Соловьев А. Массовые беспорядки: организация, участие, призывы к неподчинению // Российская юстиция. 2000. N 7. С. 47

ифодаланиши туфайли, уларнинг объекти сирасига давлат ва жамоат ёки алоҳида шахсларнинг мулк, ҳокимият вакиллари ва айрим фуқароларнинг шахси бўлиши мумкин³¹.

Албатта, муаллифнинг оммавий тартибсизликлар объектининг мазмуни ҳақидаги фикрлари анча эскирган, совет қонунчилигига асосланади. Хусусан, замонавий шароитда давлатимизда мулкчилик шакллари соҳасидаги жиддий ўзгаришлар туфайли, мазкур қарашлар қисман ўз аҳамиятини йўқотган.

Ўз навбатида П.В. Помазковнинг сўзларига кўра, оммавий тартибсизликларнинг бевосита объекти " жамоат хавфсизлигининг ўзига хос таркибий қисми сифатида намоён бўладиган жамоат тартиби" ҳисобланади³². Ушбу таърифда муаллифнинг оммавий тартибсизликнинг бевосита объектини кенг тарқалган жамоат хавфсизлиги билан чекламасдан унинг таркибий қисми сифатида жамоат тартибига торайтириш истагини таъкидлаш жоиз.

Шуни таъкидлаш керакки, ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби жуда мураккаб тузилишга эгалиги, ушбу жиноятнинг қўшимча объектлари масаласини ҳал қилишнинг табиий заруратига олиб келди. Масалан, К.Г. Вдовиченко ва А.В.Новиковларнинг наздида, бу жиноят кўп объектли бўлиб, оммавий тартибсизликларнинг умумий объекти жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш асослари ҳамда уларни таъминлаш бўйича давлат органларининг фаолияти ҳисобланади. Оммавий тартибсизликларнинг бевосита объектлари фуқаролар ва ҳокимият вакиллари соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, давлат органларининг нормал фаолияти, турли субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқлари, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари (масалан, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ва бошқалар) бўлиши мумкин³³.

Шу билан бирга, оммавий тартибсизликлар содир этишнинг алоҳида мустақил жиноятларда ифодаланган усуллари ўрганилаётган жиноят ҳуқуқи нормаси билан қамраб олинмайди ва муайян жиноятлар (соғлиққа, мулкка, бошқарувга қарши жиноятлар ва бошқа) учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ тегишли ҳуқуқӣ баҳо берилади.

³¹ Дьяков С.В., Игнатьев А.А., Карпушин М.П. Ответственность за государственные преступления / Общ. ред. и введ. Л.И. Баркова. М.: Юрид. лит., 1988. С. 110.

³² Помазков П.В. Борьба с преступлениями против общественного порядка: Дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2004. С. 55 - 56.

³³ Вдовиченко К.Г. Актуальные вопросы квалификации массовых беспорядков // Общество и право. 2014. № 4 (50). С. 153-155. Новиков А.В. Преступления против общественного порядка, сопряженные с посягательством на собственность: Дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2009. С. 106 - 107.

П.В.Агапов ушбу жиноятнинг бевосита объектини батафсилроқ талқин қилади: «...бевосита объекти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини умумий хавфли характердаги турли таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир»³⁴. Аммо шуни таъкидлаш керакки, муаллиф бу ерда "жамоат хавфсизлиги" атамасини унинг норматив таърифи билан алмаштирган, холос. Оқибатда, оммавий тартибсизликларнинг бевосита объекти таърифи кўриб чиқиладиган жиноятни Жиноят кодексининг XVII бобида назарда тутилган бошқа қилмишлардан ажратиш имконини берадиган аниқроқ шаклга эга бўлмади.

Е.Н. Федик, умуман, аввалги муаллифлар нуқтаи назарига қўшилган ҳолда, ЖКнинг 244-моддасида назарда тутилган жиноятнинг қўшимча объекти сифатида "инсоннинг жисмоний дахлсизлиги, унинг соғлиғи, мулки, жамоат тартиби, корхоналар, муассасалар, ҳокимият ва бошқарув органлари нормал фаолиятини таъминлаш бўйича муносабатлар"ни қўшимча қилади³⁵.

Бизнинг фикримизча, бу қўшимча жуда тўғри, чунки у ўрганиладиган жиноятни содир этиш усуллари — зўравонлик, босқинлар, ўт кўйиш, мулкни йўқ қилиш, ўқотар қурол, портловчи моддалар ёки портловчи қурилмаларни қўллаш, шунингдек ҳокимият вакилига қуролли қаршилик кўрсатишни ҳисобга олади. Шу билан бирга, мазкур қўшимча оммавий тартибсизликлар таркибининг асосий бевосита объектини шакллантиришда аниқлик йўқлигини истисно қилмайди.

Шунга кўра, айрим оимларнинг фикрича, оммавий тартибсизликлар жиноятининг қўшимча бевосита объекти сифатида фуқаролар ва ҳокимият вакиллари соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, давлат органларининг нормал фаолияти, турли субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларини тан олиш ҳақидаги фикрлар етарли асосга эга эмас³⁶.

Кўриниб турибдики, оммавий тартибсизликлар таркибининг бевосита объекти ҳақидаги юқоридаги таъриф аввалгиларига ўхшашроқдир.

Бизнинг фикримизча, ЖКнинг 244-моддасида мустаҳкамланган жиноятнинг бевосита объектини аниқлашда жамоат хавфсизлигини бузиш таҳлил қилинадиган жиноятни содир этиш усуллари билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, жиноят содир этишнинг тегишли усуллари оммавий тартибсизликларни ташкил этиш, иштирок этиш

³⁴ Уголовное право России. Общая и Особенная части: Учебник / Под ред. д.ю.н., проф. В.К. Дуюнова. М.: РИОР, 2008. С. 487.

³⁵ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. А.В. Бриллиантова. М.: Проспект, 2010. С. 829.

³⁶ <https://wiselawyer.ru/poleznoe/57879-obekt-sostava-massovykh-besporiadkov>

ва уларга даъват қилишни жинойий деб топишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, биз оммавий тартибсизликлар таркиби кўп объектли, деб ҳисоблай олмаимиз.

Назаримизда, ЖКнинг 244-моддаси бўйича жинойят содир этилганда, жамоат тартибини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳолда ривожланаётган, рухсат этилган (санкция олинган) ва рухсат этилмаган (санкция олинмаган) оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига оид ижтимоий муносабатлар бузилади, деб айтиш учун асослар мавжуд.

Оммавий тартибсизликлар жуда кенг тарқалган ижтимоий ҳодиса бўлиб, сиёсий бекарорлик даврларига хос бўлиб, сиёсий кучлар курашининг тез-тез учрайдиган атрибутидир. Афсуски, жамоат тартибини бузувчи ва мулкни йўқ қилиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан бирга келадиган бундай хавфли ҳодиса МДХ ҳудудида ҳам ўзини намоён қилиши ҳолатлари учрамоқда.

Жинойятчи шахси аввало жинойят субъектининг шахсидир³⁷. «Жинойятчи шахси» тушунчаси кенг маънодаги ижтимоий тушунча бўлган «инсон шахси» билан узвий боғлиқ. «Шахс» ва «инсон» тушунчалари ўртасида фарқ мавжуд. «Инсон» нисбатан кенгроқ тушунча, «шахс» эса унинг фақат ижтимоий хусусиятларини ифодалайди ва инсоннинг ривожланиши давомида аста-секин шаклланади³⁸.

Е.О.Алауханов жинойятчи шахсини умумижтимоий тушунча бўлган «шахс» ва ижтимоий-ҳуқуқий тушунча бўлган «жинойятчи» сўзларидан ташкил топганлигини айтади. Жинойятчи шахси жинойят содир этган шахснинг юридик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган сиёсий-ижтимоий, руҳий ва жисмоний хусусиятлари мажмуидир³⁹.

Жинойятчи шахсининг ўрганилиши индивидуал жинойий хулқ-атворнинг хусусияти ва сабабларини умумлаштириш асосида умумий криминологик омиллар ҳақида хулоса чиқариш имконини беради⁴⁰. Бироқ жинойятчи шахсининг ўрганилиши фақат криминологик ёки профилактик аҳамият касб этиши билан чегараланмайди. Чунки, жинойятчи шахси ҳақидаги маълумотлар ёки билимлар жинойятларни очиш ва айбдорларни фош этиш, қилмишни квалификация қилиш, жазо тайинлаш ва уларнинг ижросини

³⁷ Abdurasulova Q.R. Kriminologiya. Darslik. –Toshkent:Adolat, 2007. –B. 54.

³⁸ Исмаилов И., АбдурасуловаҚ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИБ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – Б. 131. (– 272 б.)

³⁹ Алауханов Е.О. Криминологические проблемы предупреждения корыстно-насильственных преступлений: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук: 12.00.08. – Алматы, 2004. – С. 30.

⁴⁰ Хамидов Д.Х. Криминологическая характеристика тяжких насильственных преступлений против личности и их предупреждение: Автореф. дисс. ... кан. юрид. наук: 12.00.08. – Ташкент, 2008. – С.13.

таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖК⁴¹54-моддаси (жазо тайинлашнинг умумий асослари)да эса, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши мустаҳкамланган.

Безорилик содир этган шахсга оид маълумотлар мазмунан жиноятчи шахси ва унинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бу маълумотлар жиноятчининг индивидуал хусусиятлари, унинг шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган ижтимоий муҳит билан тўғри ва тескари алоқаларга асосланади.

Безорилик содир этган шахснинг турмуш тарзи унинг маънавий қиёфасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаол жараён сифатида баҳоланиб, у барча ижтимоий аҳамиятли ҳаракатлар сингари инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Ҳар бир аниқ вазиятда фақат шахснинг ўзи жиноят содир қилиш тўғрисида қарор қабул қилади⁴². Безори шахсида бундай қарор ички ишонч ва англаш сифатида мавжуддир. Бунда шахс айнан безориликни содир қилишга шайланган бўлади.

Гарчи «безори шахси» шартли тушунча бўлсада, ушбу шартлилиқ бундай шахсни алоҳида ўрганишни истисно қилмайди. Мазкур масалада энг муҳим жиҳат –шахснинг ўзига хослиги, жиноий хулқ-атвори ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. В.Н. Кудрявцев инсоннинг алоҳида ижтимоий тоифаси сифатида безори шахси жиноий шаклдаги хулқ-атворнинг ўзига хослиги билан бевосита боғлиқ. У девиант хулқ-атворнинг ҳар қандай бошқа шаклидан ўзининг ижтимоий хавфлилиги билан сифат жиҳатдан ажралиб туришини доимо ёдда тутиш лозим⁴³, деб ҳисоблайди.

«Ижтимоий шахс» сифатида безори шахсини шакллантирган ҳолатларга ўзига хос «ойна» сифатида қараш мумкин. Бунда жиноий хулқ-атвори белгиловчи ижтимоий шароитларни аниқлаш имкони пайдо бўлади, бу эса шахснинг жиноят йўлига киришдаги «ҳисса»сини оидинлаштиради⁴⁴. Аниқроқ қилиб айтганда, шахснинг жиноят содир этишга мойиллигини

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111453>

⁴² Дубовик О.Л. Принятие решения в механизме преступного поведения: Автореф. Диссертации на соискание ученой степени канд. юрид. наук. М., 1984. – С. 14-15.

⁴³ Кудрявцев В.Н. Правовое поведение: норма и патология. М., 1982. – С.3, 6-9. Преступное поведение (новые исследования). Сборник научных трудов. – М., 2002.

⁴⁴ Долгова А.И. Теоретические посылы и общая характеристика результатов длящегося криминологического изучения личности. – В кн.: Опыт криминологического изучения личности преступника. М., 1981. – С.7-10.

келтириб чиқарган ҳулқ-атвор тизими ва биофизиологик хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Безорилик жиноятлари сабаблари ва шарт-шароитларининг ўзига хос хусусиятларига ўтар эканмиз, шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар бир алоҳида жиноятчилик салбий ижтимоий ҳодиса бўлган ҳолда, белгиланган жамоат тартибини бузади, шахснинг девиант хатти-ҳаракатларида акс этган ҳолда, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни деформация қилади, жиноят-ҳуқуқий нормалар бузилишига ва мос равишда давлатнинг репрессив муносабатига олиб келади⁴⁵.

Зеро, тадқиқотчи Е.И.Каиржанов таъкидлаб ўтганидек, “сабабият криминологиянинг энг мураккаб ва серқирра муаммоларидан бири”⁴⁶ ҳисобланади. Муаллифнинг кайд этишича, “ғайриижтимоий ҳодисалар, шу жумладан жиноятчилик факат ижтимоий муносабатлар доирасида ўз сабабларига эга булади, шу сабабли асосан ижтимоий хусусият касб этади. Умуман олганда, бу ҳаётнинг иқтисодий шароитларини, инсон психологиясини, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини, кичик ва катта ижтимоий гуруҳдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини (оила, ишлаб чиқариш муносабатлари, яқин муҳитини), қарашлари, эътиқодлари, кадриятлари ва мўлжалларини қамраб олади”⁴⁷.

Айрим олимлар ўз тадқиқотларида жиноятчиликнинг олдини олишда ташкилий-бошқарув, ижтимоий-психологик, ҳуқуқий сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтадилар⁴⁸. Шундай фикрни ўз навбатида С.Аристамбаева ҳам қайд этиб ўтади⁴⁹.

Ўз навбатида, тадқиқотчи С.Ниёзова оғир тажовузкор-зўравонлик жиноятларини содир этиш шарт-шароитларига, уни амалга оширувчи айбдорнинг шахси ва руҳиятига таъсир этиш омилларига кўра объектив ва субъектив жиҳатдан тавсифлаш мумкинлигини таъкидлаб ўтади⁵⁰. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу фикр безорилик жиноятларини объектив ва субъектив жиҳатдан тавсифлашда ҳам тенг равишда қўлланиши мумкин.

⁴⁵ Ҳакимова И.М. Девиант ҳулқ атвор психологияси: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси. –2013. –Б. 84.

⁴⁶ Каиржанов Е.И. Объект преступления - интересы социальных субъектов. Монография. -Алматы: Экономика, 2008. - Б. 106-107.

⁴⁷ Каиржанов Е.И. Криминология. Общая часть. Учебник. - Алматы, 2005. - Б. 29-30.

⁴⁸ Лесько Н.В. К вопросу определения термина «профилактика правонарушений среди детей» // Международный научно-исследовательский журнал, 2012.

⁴⁹ Аристамбаева С. Профилактика преступлений как центральная проблема современной криминологии // Вестник ТГЮИ. - Ташкент, 2009. - №2. - С. 107-108.

⁵⁰ Ниёзова С.С. Шахснинг зўрлик жинояти қурбонига айланишининг ижтимоий-руҳий тавсифи // ТДЮИ Ахборотномаси. - Тошкент, 2010. - № 3. - Б. 87.

Дарҳақиқат, инсон хулқ-атвори ўз характериға кўра нафақат оддий, балки виктим, яъни ўзи учун хавфли, бепарво, эҳтиётсиз ва шунинг учун муайян вазиятда тажовузни келтириб чиқариш учун баҳона бўлишга қодир бўлиши мумкин⁵¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, потенциал жабрланувчи ҳолати, унинг турмуш тарзи, хулқ-атвори хусусиятлари, потенциал ҳуқуқбузар билан муносабатлар шакллари ва даражаси билан ҳамоҳанг тарзда, ҳуқуқбузар онгида жинойий ният пайдо қилишга ҳисса қўшиши мумкин, унинг аксилижтимоий йўналишга рағбатлантириш, жинойтни содир этиш усули ва воситаларини танлашга кўмак бериши мумкин⁵².

Кўриб чиқиладиган жинойатларда, кўпинча сўз оилавий безорилик ҳолатлари ҳақида боради. Одатда, бу ҳолатда жабрланувчилар – бу болалар, аёллар, кекса оила аъзолари.

Жабрланувчиларини таҳлил қилиш, виктим хулқ-атворли шахслар бир нечта типини ажратишга имкон берди. “Ҳимоясиз қурбон” типига, жумладан, вояга етмаган ёлғиз оналар киради. Уларнинг ҳимоясизлиги, биринчи навбатда, жинойатчи – турмуш ўртоғига қарши объектив тура олмаслигидан келиб чиқади; иккинчидан, давлат ва жамоат институтлари, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ёрдам ва ҳимоянинг етишмаслиги билан изоҳланади⁵³.

Ушбу типга тегишли тоифани улкан сабр-тоқат, тажовузкор эридан кўркиш, жамоат олдида уят туйғуси сабабли онгсиз равишда ўзларига қарши зўравонлик уйғотадиган аёллар ҳам тўлдиради. Бу аёллар ўзларига нисбатан зўравонлик ҳолатларини жазосиз қолдириб, шу тариқа уларнинг такрор ва такрор содир этилишига олиб келтиради ва келгусида – алимент тўловлари мажбуриятларини эътиборсиз қолдиришга ҳам сукут сақлаб қарашади.

Қолаверса, кўпинча аёл жабрланувчиларга нисбатан жамият аъзолари баъзан жуда ғалати муносабатда бўладилар, яъни уларни ўз эрига зуғум қилишда қоралайдилар. Одамнинг онгида, худди жабрланувчининг онгида бўлгани сингари, стигматизация – ўзининг ижтимоий мавқеини жабрланувчининг хулқ-атвор стереотипига ўхшатиш жараёни рўй беради⁵⁴.

⁵¹ Б.А.Матлюбов, Турсунов А.С., Расулев А.К., Хужакулов С.Б., Гофуров Ш.Р. Профилактика правонарушений / Учебник. – Т.: / Отв. ред. Б.А.Матлюбов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2020. Б. – 174.

⁵² В.И.Полубинский. Криминальная виктимология. Монография, 2-е изд., доп. – М.: ВНИИ МВД России, 2008. – Б. 109.

⁵³ Ильешенко А.Н., Шмарион П.В. Типология лиц, пострадавших от насильственных преступлений в семье // Российский следователь. 2005. № 7. С.34.

⁵⁴ Abdurasulova Q.R. Ayollar jinoyatchiligi va ularning oldini olish muammolari. O'quv qo'llanma / Mas'ul muharrir: yu.f.d.,prof. M.H.Rustamboyev. – Т.: TDYI nashriyoti, 2009. – Б.28.

Шу боис, айнан оилавий безорилик жиноятларида виктимлик – бу айни чоғда латентликнинг ўзига хос омилидир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда оммавий тартибсизликларни қуйидаги синфларга бўлиш асосли:

1. *Вужудга келиш сабабларига кўра:* а) сиёсий; б) жтимоий-иқтисодий; в) миллий (иркий); г) диний; д) экологик.

2. *Характерига кўра:* а) умумий (давлат идоралари, муассасалари, ташкилотларини вайрон қилиш); б) фуқароларнинг шахсий мулкига тажовуз қилиш (хонадонларни вайрон қилиш)

3. *Келиб чиқиш оқибатининг оғирлигига кўра:* а) одамларга ҳар хил турдаги тан жароҳати етказилиши; б) инсонларнинг ўлимига олиб келиши; в) катта моддий зарар етказилиши.

4. *Вужудга келиш жойига кўра:* а) аҳоли яшаш пунктларида; б) давлат корхоналари ва ташкилотларида; г) ижтимоий-сиёсий, маданий, оммавий спорт, кўнгилочар-томоша, умумхалқ, диний, касбий ва бошқа тадбирларни ўтказиш жойларида; д) озодикдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларида.

5. *Давомийлигига кўра:* а) узок муддатли, б) қисқа муддатли.

6. *Қатнашувчилар сонига кўра:* а) 100 кишигача, б) 1000 кишигача, в) 10000 кишигача, г) 10000 кишидан ортиқ.

Оммавий тартибсизликлар содир этилиши мумкин:

– давлат бошқаруви (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) органлари объектлари, хорижий давлатлар элчихоналари ёнида;

– аҳоли пунктлари (кўчалар, сайилгоҳлар, майдонлар, бозорлар)да;

– давлат, маданий, оммавий спорт тадбирларини ўтказиш давомида;

– йирик саноат объектлари (заводлар, фабрикалар)да;

– жазони ижро этиш муассасалари (турмалар, колониялар, тергов хибсхоналари ва қамоқхоналар)да ва ҳ.к.

Митинг – бирор-бир муҳим воқеа, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган йиғилиш. Митинг дейилганда, одатда, байрамона кайфиятда ёки давлат ҳокимият органларидан норози бўлган маълум бир сиёсий гуруҳнинг ёки оммавий ҳаракат ёхуд ишлаб чиқариш ташкилотларининг шаҳар марказларига чиқиб, ўз фикр ва талабларини бидириши тушунилади⁵⁵.

⁵⁵Хохрин С.А. Массовые беспорядки: проблема определения понятия // Вестник Владимирского юридического института. – 2009. – №. 4. – С. 160–161.

Жинойт ҳуқуқи ва қонунчилигининг безорилик ва оммавий тартибсизликлар жиноятлари учун жавобгарлик соҳасидаги тадрижий йўлни очиб беришга уриндик, таҳлил натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи оддий ҳуқуқий канонлардан мураккаб кодификациялашган жиноят қонунчилигига қадар мураккаб тадрижий йўлни босиб ўтди.

Безорилик учун жавобгарлик Қадимги Ўзбекистон (Авесто) ҳужжатлари, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида истикомат қилган дашт аҳолисининг одат ҳуқуқи нормаларида, кейинчалик эса шариат нормаларида ҳам салмоқли ўринга эга бўлган.

Узоқ вақт давомида безорилик шахсга қарши жиноят сифатида таснифланган (қарийб XIX аср ўрталаригача).

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги ёдгорликларида безорилик ниятидаги жиноятлар кўп тилга олинадиган ва анча кенг таърифланади, айни дамда соф безорилик шакли ҳақида бундай деб бўлмайди, чунки унинг ҳозирги шаклдаги кўриниши ҳуқуқий ёдгорликларда фақат XX аср бошларида учрайди.

Совет ҳокимияти йилларида ва ҳозирги замонда Ўзбекистонда безорилик жиноятлари учун жавобгарликка доир жиноят қонунчилиги айрим фарқларни айтмасак, деярли бир хил сақланиб қолган.

2. *Жамоат тартиби — бу тарихан шаклланган, жамият ва шахс манфаатлари билан тақозо этиладиган, ахлоқий гоялар ва идеаллар, инсонларнинг биргаликда яшаши тамойиллари, ҳуқуқий нормалар ва бошқа ижтимоий нормалар асосида тартибга солинадиган, шахснинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, шаъни, қадр-қиммати ва жамоат ахлоқини ҳурмат қилиш, инсонларнинг биргаликда яшаши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шахсий ва жамоат осойишталигини таъминлаш, мулкнинг барча турларини сақлаш, шахснинг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши, корхоналар, муассасалар, ташиқлотлар фаолияти учун нормал шароит яратишга қаратилган ижтимоий муносабатлар тизимидир.*

3. *Жамоат хавфсизлигини безорилик объекти сифатида шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва жамоат ахлоқини ҳимоя қилиш, шахсларнинг биргаликдаги ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шахс ва жамоат тинчлиги, мулк дахлсизлиги, шахснинг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши, корхоналар, муассасалар, ташиқлотлар нормал фаолияти учун яратилган шароитларга қарши ички ва ташиқ таҳдидларни олдини олиш ва улар билан курашиш учун давлат томонидан кўриладиган барча чоралар тизимидир.*

4. Таҳлиллар натижасида шундай хулоса қилинди:

безориликнинг *умумий* объекти – бу жамоат хавфсизлиги, *турдош* объекти – бу жамоат тартиби, ва *бевосита* объект (зарурий объект даражасида) – айбдор шахс томонидан бузилган ижтимоий муносабатлардаги конкрет жамоат тартиби ҳолати.

Безорилик объектининг зарурий қўшимча (муқобил) белгиси – бу *ўзга шахсларнинг мулкидир*, боиси модда диспозициясида безорилик жараёнида ўзганинг мулкига анча миқдорда зарар келтириб чиқарган шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш белгиси мавжуд.

5. Баҳоловчи тушунчаларни нисбатан аниқ деб ҳам аташ мумкин, уларнинг мазмуни фақат кўриб чиқиладиган ишнинг ўзига хос ҳолати ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда очилади. Ушбу таърифларга асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, *баҳоловчи тусга эга тушунчаларини талқин қилиш тўлиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимининг ваколатига киради*.

6. Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда ижтимоий муносабатлар тизимининг нормал ишлашига, тинчликни, нормал меҳнат шароитларини таъминлаш, фуқароларнинг дам олиши ва тинч яшаши шароитлари, шунингдек, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг нормал фаолиятига ҳалақит берадиган, жамиятда умумий қабул қилинган ҳуқ-атвор (юриш-туриш) қоидаларидан сезиларли даражада салбий тусдаги четга чиқишни тушуниш таклиф қилинади.

7. Безорилик ҳаракатида *оммавийлик белгиси шахснинг ҳаракатларида жамоат тартибини қасддан менсимаслик ва жамиятга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик мавжудлигини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга*.

8. Бизнингча, безорилик учун жиноий жавобгарликнинг умумий ёш чегарасини 16 ёш деб белгилаш тўлиқ ижтимоий ва илмий асосланмаган, жиноятчиликка қарши кураш эҳтиёжларига ва мавжуд криминоген вазиятга жавоб бермайди.

9. Биз безорилик айбнинг қасд шакли тўғри ва эгри қасд билан тавсифланади деган хулосага келамиз.

Безорилик мотивлари шахснинг жамиятга очиқ-ошкора ҳурматсизлик кўрсатиш ва жамоат, фуқаролар тинчлигини, нормал меҳнат шароитларини, дам олиш ва турмуш шароитларини, корхона ва ташкилотлар нормал фаолиятини таъминлайдиган умумий қабул қилинган хатти-ҳаракатлар қоидаларига эътибор бермасликни кўрсатиш истагида ифодаланган мотивлар сифатида тушунилиши керак.

10. Оммавий тартибсизликларда "оммавийлик" атамаси шартли равишда баҳоланади ва иштирокчилар сони жуда хилма-хил бўлиши мумкин, аммо мажбурий шарт — иштирокчилик доктринасига кўра, бир гуруҳ шахслар тажовузида жиноятни содир этган шахсларнинг минимал сони икки ёки ундан ортиқ киши бўлиши шарт.

11. Оммавий тартибсизликлар икки шаклда амалга оширилиши мумкин: 1) анъанавий шакл, бунда барча иштирокчилар биргаликда ижрочилар сифатида ҳаракат қилади; 2) уюшган жиноий фаолият кўриниши сифатида, қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан уларнинг ҳар бирининг ролларини тақсимлаш билан юқори уюшқоқлик билан амалга оширилади.

12. Оммавий тартибсизликларни ташкил этиш деганда эҳтимолий тартибсизликларни режалаштириш, уларнинг асосий фаолларини танлаш, тайёрлаш ва ўқитиш, оммавий зўравонлик ҳаракатларини йўналтириш ва бунда шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатишга йўналтириш тушунилиши керак.

13. Бизнинг фикримизча "оммавий тадбир" тушунчаси қуйидагича таърифланиши лозим:

Оммавий тадбир – йиғилишлар, митинглар, намоёишлар, кўча юришлари шаклида ёки кўнгил очар, театр томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ҳамда умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида майдонларда, кўчаларда, биноларда, ёпик иншоотларда ва бошқа жойларда умумий мақсад асосида одамларнинг тўпланишидир.

14. ЖКнинг 244-моддасини такомиллаштиришга келадиган бўлсак, бизнингча таркиб қуйидаги квалификацияловчи белги билан тўлдирилиши керак: *"худди шу қилмиш сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний адоват замирида ёхуд муайян ижтимоий гуруҳга нисбатан душманлик негизда содир этилган бўлса"*, чунки бу ҳаракат ҳокимият, жисмоний ва юридик шахсларга қаршилиқ кўрсатишнинг очик, фаол намоён бўлишига мисол бўлади. Шунингдек, агар тартибсизликлар инсонлар ўлимига олиб келган бўлса, алоҳида квалификацияловчи таркибни белгилаш жоиз.

15. Ўзбекистон Республикаси "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" ги қонунда:

а) 6-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошисини қуйидаги ифодалаш:

"таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини — ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёхуд таълим

муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган, синфдошларига ва атрофдаги бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик ҳамда шафқатсиз муносабат кўрсатаётган, мактабда совуқ қурол ёки бошқа шу каби қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни олиб юрган, ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига мухтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилади”;

б) 7-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдириш:

“вояга етмаганларнинг ёнида ўқотар қурол, пневматик қурол ёки совуқ қурол, бошқа шу каби инсонга жиддий шикаст етказиши мумкин бўлган ашёларни олиб юришига йўл қўймаслик”;

в) 13-моддасини иккинчи қисмини қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдириш:

“синфдошларига ва атрофдаги бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик ҳамда шафқатсиз муносабат кўрсатаётган, мактабда совуқ қурол ёки бошқа шу каби қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни олиб юрган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг ота-онаси билан профилактик тушунтириш ишлари ўтказиш, зарур ҳолларда ички ишлар органига зудлик билан хабар бериш чора-тадбирларини кўради” мақсадга мувофиқ.

16. ОАВ таъсирини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмида:

а) бешинчи хатбошисини қуйидаги мазмунда ифодалаш:

“вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қонунга итоат этмаслик, зўравонликни оқлаш ва енил-елпи йўл билан бойишни тарғиб қилиш;”

а) олтинчи хатбоишиси билан тўлдиришни таклиф қиламиз:

“ёшлар онгида қурол, шу жумладан совуқ қурол олиб юриш зарурлиги ёки эркак киши учун шарафлигини тарғиб қиладиган, ундан низо ёки жанжалларда фойдаланишга ундаш ёки оқлаш;” лозим.